

МАИШИЙ ТУРМУШДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ.

Аяпова Зухра Конысбаевна

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши хузуридаги Судьялар
Олий мактаби жиноят ҳукуки ихтисослиги тингловчиси.*

Аннотатция: Мақолада маиший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг тушунчаси, уларнинг асосий турлари ва ижтимоий хавфи таҳлил қилинади. Маиший жиноятлар, одатда, оилавий муносабатлар ёки яқин шахслар ўртасидаги муаммолар натижасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар бўлиб, улар жамиятда кенг тарқалган. Бундай жиноятларга оилавий зўравонлик, шахсга қарши жиноятлар (ўлдириш, тан жароҳати етказиш, таҳқирлаш), мулкӣ жиноятлар (ўғирлик, талон-торож қилиш), ҳамда алкоголь ва гиёҳванд моддалар таъсирида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар киради. Мақолада шу каби жиноятларнинг сабаблари, ҳуқуқий оқибатлари ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Маиший жиноятлар, криминоген-низол вазиятлар, гуруҳий жиноятлар, урф-одатлар, оилавий муносабатлар.

КИРИШ

Маиший турмушда содир этиладиган жиноятлар – оилавий ва шахсий муносабатлар доирасида юзага келадиган ҳуқуқбузарликлар бўлиб, улар жамият барқарорлиги ва шахс хавфсизлигига жиддий таҳдид солади. Маиший жиноятлар кўпинча оилавий низолар, ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, жиноий маданиятнинг таъсири ва қонунчилиқни етарлича билишмаслик сабабли юзага келади. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун ҳуқуқий тарғибот, ижтимоий ёрдам ҳамда давлат томонидан қонуний чоратadbirlar амалга оширилиши зарур.

Ушбу мақолада маиший жиноятларнинг турлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, ҳуқуқий оқибатлари ва олдини олиш чоралари таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон қонунчилигида бу борада белгиланган жазо чоралари ва мавжуд муаммолар муҳокама қилинади.

Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг криминологик тавсифи ўзига хос равишда мураккабдир. Унинг мураккаблигининг белгиси жиноятларнинг вақт ва масофа орасида (яъни, уларнинг турли-туманлиги, ривожланишининг ўзига хос тенденцияси мавжудлиги, кенг тарқалганлиги, шахсга қарши қаратилганлиги, содир этиш усули, жойи ва содир этиш вақти кабилар) содир этилишидир.

Ушбу кўриб чиқиладиган жиноятлар криминологик белгиларига кўра, айнан бир турдаги жиноятлар тоифасига киради (содир этиш жойига кўра, маиший хусусиятга эга қасднинг мавжудлиги кабилар). Шу билан бирга, турларга бўлиниши таркибига кўра ҳам маиший жиноятлар бир хил эмас ва ўз ичига жиноий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан зарур белгига эга бўлган (шахсга қарши қаратилган ва жамоат тартибини бузувчи зўравонлик ва куч ишлатилмайдиган кабилар) жиноий қилмишлар содир этилади.

Маиший турмуш доирасидаги жиноят деганда никоҳ, оилавий, қариндошлик, дўстона, таниш-билишчилик, яқин ёки қўшничилик муносабатларида юзага келадиган, шахсга, унинг шаъни ва қадр қимматига, ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилувчи айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) дир.

Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятчиликнинг таҳлилидан маълум бўлдики, ушбу жиноятлар кўпчилик ҳолда ичкиликбозлик билан яқиндан боғлангандир. Шу боис, мамлакатимизда бу ҳолатга алоҳида эътибор қаратилиб ичкиликбозликни юзага келтирувчи бир қатор сабаб ва шароитлар бартараф этилмоқда. Айни пайтда, бу борада миллий анъаналарнинг ичкиликбозлик билан боғлиқ бўлмаган одатларини қайта тиклаш ва маълум бир маросимларнинг фуқаролар йиғинларининг фаол иштироклари орқали тартибга солиниши амалга оширилмоқда. Аммо, шунга қарамай, ичкиликбозлик маиший жиноятчилик кўрсаткичларининг ошишига таъсир этмоқда. Биз кўриб чиқаётган жиноятчиликнинг асосий манбаларидан яна бири маиший турмуш жараёнида шахслар ўртасидаги низоли ҳолатлардир.

Маиший турмуш шароитида юзага келадиган низолар асосан узоқ вақт давомида этилиб, вақтида тор чегарада бўлган бўлса-да, аста-секин кучайиб бориши (шахслар ўртасидаги ўзаро низоларнинг вақти-вақти билан кучайиши) ёки дабдурустан кучайиши (яхши томонга ўзгармайдиган низолар) кабиларни ўз ичига олади. Вақти-вақти билан такрорланиб турадиган криминоген-низоли вазиятлар ўртача 33 %ни ташкил этиб, ярим йилдан уч йилгача, 63% ҳолатларда эса уч йилдан саккиз йилгача ва ундан кўп вақтда юзага келади.

Ушбу тасниф жиноятларни ўрганиш жараёнида катта аҳамият касб этади, чунки бу профилактика субъектларининг, кўриб чиқиладиган ҳолатларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, махсус соҳавий профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишига имкон яратади⁸. Профилактика воситаларини криминоген вазиятлар мазмунига мослаб йўлга

⁸ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм.— Т., 2021.— 608 б.

қўйиш профилактика ишларининг амалга ошиши ва мақсад сари аниқ йўналтирилишини таъминлайди.

Маиший турмушда содир этиладиган жиноятлар жиноятчи ва жабрланувчиларнинг бирга яшаш жойида: алоҳида хонадонларда (70%), умумий хонадонларда - коммуналкаларда (14%), ётоқхоналарда (6%), кўча-кўйда ва бошқа жамоат жойларида (10%) содир этилади.

Бу жиноятларнинг яна бир белгиси эса уларнинг асосан оила ва қўни-қўшнилар ўртасида содир бўлишидир. Тўғри, бу борада, яъни уй-жой масаласининг мамлакатимизда ўринли ҳал этилганлиги айнан оила ва қўни-қўшнилар ўртасида бўладиган низоларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келди. Ҳар бир оилага алоҳида хонадон тарзида қурилган уйлар, кўп болали оилаларни эътиборга олган ҳолда, қаватларда ва ҳовлиларда болалар учун майдончаларнинг яратилганлиги кўп жиҳатдан қўшнилар ўртасида турли низолар келиб чиқишининг олдини олади. Шунингдек, оилаларнинг алоҳида яшашига имкон яратилиши уларнинг ҳар бири устидан ижтимоий кузатув ва назорат олиб боришга йўл очади.

Маиший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг аксариятини битта шахс содир этади, аксинча, гуруҳийлик хусусияти эса камроқдир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, фақат 3% жиноятлар гуруҳий тарзда содир этилади. Бунинг асосий сабаби эса жабрланувчи ва жиноятчининг яқин алоқадалигидандир. Гуруҳий жиноятлар асосан маиший безорилик ҳолларида ва тўй, маъракаларда юзага келади ҳамда айрим вазиятларда рўй беради.

Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг криминологик тавсифини бериш даставвал жиноятчиларнинг шахсини ўрганиш билан узвий боғлиқдир. Бу каби тадқиқот маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг юзага келиш сабабий боғланишларини билиш ва зарур таъсир чораларини қўллашга имкон яратади. Маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг 85%ни эркаклар содир этади. Улар содир этадиган жиноятлар аёллар содир этадиган жиноятлардан хавфлилиги билан ажралиб туради.

Криминологияда маиший турмуш соҳасида аёллар содир этадиган жиноятларни умумий жиноятларни содир этишда иштирок этувчи аёллар миқдорига нисбатан ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади⁹. Умуман олганда, жиноятларнинг содир этилишида аёллар иштироки эркакларга нисбатан кам. Шунга кўра, умумий жиноятларда аёл жиноятчилар миқдори 12-15%ни ташкил этади. Шунингдек, қотиллик жиноятларида аёллар иштироки - 3-4% ни; тан жароҳатларини ётказувчи шахслар ичида - 2-3%ни ташкил этади. Бироқ маиший жиноятлар таркибида одам ўлдириш жиноятини содир этган

⁹ Мухитдинов Ф.М. «Юриспруденция» мутахассислиги «Жиноят ҳуқуқи» соҳасининг «Виктимология» фани бййича ўқув-услубий кўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2019. – 240 б.

аёллар қарийб икки баробар кўпдир. Аёллар ва эркаклар жиноятлари ўртасидаги бу каби фарқнинг мавжудлигига сабаб маълум бир ижтимоий омиллар мажмуи таъсирида аёл ва эркакларда ўзига хос бўлган ўзини тутиш каби хусусиятларнинг шаклланганлигидир.

Маиший турмуш соҳасида юзага келадиган жиноятларда криминоген фаоллик асосан 18-30 ва 31-40 ёшли шахслар ҳаракатларида кузатилади. Бу, албатта, ушбу эшдагилар ижтимоий мавқеининг ўзига хослиги билан эътиборга лойиқлигидир. Алоҳида эътиборнинг 25-30 ёшлиларга қаратилиши бу ёшдаги шахслар ҳаётида юз берадиган оила-никоҳ муносабатларининг юзага келиши, янги мажбуриятлар ва ўзини тутиш каби ўзаро муносабатларнинг шаклланиши билан боғлиқдир. Айнан шу даврда оилавий қарама-қаршиликларнинг пишиб этилиши ва кучайиши рўй беради. Маиший турмушдаги бу каби салбий ҳолатлар кўрсаткичларининг мавжудлиги эса оила бузилиши статистикасининг юқорилигини ҳам ифодалайди.

Ўзбекистонда аҳолининг ўзига хос удум ва урф-одатлари асосида оилавий муносабатлар ташкил этилган бўлса-да, ажралиш нисбати 25-30 ёшлиларга тўғри келиши ачинарли ҳолдир. Бу эса турмушда ажралиш ва жиноят содир этилишининг ўзаро бир-бирига ўхшаш тарзда юзага келаётганлигининг ифодасидир. Шунингдек, никоҳ ва оила ёшининг 17-18 ёшга қамаётганлиги ҳам ўзига хос тадқиқотлар ўтказилишини талаб этмоқда. Чунки бу ёшдаги ёшларнинг оила ва никоҳ муносабатларига кириб келиши профилактик чоратадбирларнинг алоҳида тарбиялаш чораларини нафақат ёшларга, балки шу ёшдагиларнинг оила қуришларига сабаб бўлаётган шахсларга ҳам қаратилишини талаб этмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, маиший турмуш соҳасида зўравонлик содир этувчи ҳуқуқбузар шахсларда раҳм-шафқат ришталарининг камлиги, иш билан банд этилмаганлигини, оиладаги етишмовчиликлар ёки уларнинг хулқ-атворида агрессивлик ҳолатига тушиб қолишликни ўз яқинларига нисбатан турли кўринишдаги зўравонликларни содир этишида намоён бўлишини билдирди. Бундай тоифадаги шахслар асосан, зўравон, жабр-зулм қилувчи, жабрловчи, зулмкор шахслар эканлигини алоҳида таҳлил қилиб, бу борада тегишли профилактик тадбирларни кучайтиришни талаб этади.

ХУЛОСА

Мақолада маиший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг турлари, сабаблари ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари кўрсатдики, оилавий зўравонлик, шахсга қарши ва мулкий жиноятлар жамиятдаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият, ахлоқий қийинчиликлар ва нотўлиқ қонунчилик тизими туфайли кенг тарқалган ҳолатдадир. Бундай муаммолар нафақат жамият хавфсизлигига, балки оилавий муносабатларга ҳам жиддий зарар етказиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маиший жиноятларнинг олдини олиш учун фақат қонунчиликдаги ўзгаришлар эмас, балки ижтимоий тарғибот, ахлоқий-маънавий тарбия ва иқтисодий барқарорликни таъминловчи комплекс чора-тадбирлар зарур. Давлат, ҳуқуқ муҳофазаси органлари ва жамоатчилик биргаликда ишлаб, ушбу муаммоларни камайитиришга қаратилган чораларни амалга ошириши керак. Келгуси тадқиқотлар ушбу соҳанинг барқарор ривожланиши ва амалий чора-тадбирларни такомиллаштириш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. –Тошкент: Адолат, 2022. – 396 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Тошкент: Адолат, 2021. 475 б.
3. Муҳитдинов Ф.М. «Юриспруденция» мутахасислиги «Жиноят ҳуқуқи» соҳасининг «Виктимология» фани баянча ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 240 б.
4. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм.— Т., 2021.— 608 б.
5. Нажимов М.Ш. Оилага ва ёшларга қарши жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш. Юридик фанлар доктори даражасини олиш учун ёзилган дисс автореферати. – Тошкент: ҚҚДУ, 2023. – 63 б.